

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

42 **Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189*

(2011 йил 7 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон «Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 260-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири

А. МАРАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 31 декабрь,
46-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 31 декабрь,
206-ҚҚ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 31 декабрь,
29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил
31 декабрдаги 46, 206-ҚҚ ва 29-сон қарорига
ИЛОВА

**Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим
болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар
турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 4-модда), «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-модда) ва 2010 йил 2 августдаги 164-сон «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 260-модда) қарорларига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар (кейинги ўринларда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар деб аталади) турар жойларининг сақлаб қолинишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида, уларни етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасаларга, оилавий болалар уйларига, фарзандликка олган оила-

ларга, васийлар ёки ҳомийларга юборишда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш кафолати белгиланади.

2. Бириктирилган турар жойга эга бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларда, бошқа таълим муассасаларида, оилавий болалар уйларида, фарзандликка олган оилаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даврда турар жойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

II. Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақлаб қолинишини назорат қилиш

3. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобидаги турар жойнинг сақлаб турилиши юзасидан назорат етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади.

4. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобидаги турар жойнинг сақлаб қолинишини назорат қилишда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакиллари, шунингдек уларнинг турар жойлари ва мулклари жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари билан ҳамкорлик қилади.

5. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туришга оид туман (шаҳар) ҳокимининг қарори нусхасини у қабул қилинган куннинг ўзида турар жойга бўлган ҳуқуқларни болада сақлаб қолинишини таъминлаш мақсадида турар жой жойлашган туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига, шунингдек етти кун ичида боланинг қонуний вакиллари, турар жойлари жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органи хамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига юбориши шарт.

6. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойини болаларда сақлаб туриш бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори нусхасини олганидан сўнг, ушбу турар жойни сақлаб қолиш бўйича тегишли чораларни кўради хамда амалга оширилган ишлар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига маълумот такдим этади.

7. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сақлаб қолиш учун топширилган турар жойларини ўзга шахсга ўтказиш тўғрисида мурожаат-

лар келиб тушганда, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бу ҳақда уч кунлик муддатда васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериши лозим.

8. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сақлаб туриш учун топширилган турар жойлари, агар ушбу турар жойда болаларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, ушбу турар жойлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларда, бошқа таълим муассасаларида, оилавий болалар уйларида, фарзандликка олган оилаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даври мобайнида бошқа фуқароларга ижарага берилиши мумкин.

9. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сақлаб турилган турар жойларида уларнинг қариндошлари яшаган ҳолларда ёки мазкур турар жой фойдаланиш учун ижарага берилган тақдирда, ушбу шахсларни мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган турар жойни сақлаш билан боғлиқ мажбуриятларга риоя қилиш юзасидан ёзма равишда огоҳлантиради.

10. Васийлик ва ҳомийлик органлари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларини мазкур Қоидаларда белгиланган талаблар бўйича сақланишини назорат қилиш мақсадида турар жойларни бир йилда камида икки мартаба жойига бориб ўрганади.

Агар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тегишли турар жойларни сақлаш бўйича белгиланган мажбуриятларга риоя этилмаётганлиги юзасидан муурожаатлар келиб тушса васийлик ва ҳомийлик органлари турар жойни сақланиш ҳолатини зудлик билан ўрганади.

11. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойлари бошқа туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган тақдирда, турар жой жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органи боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органининг мазкур Қоидаларнинг 5-бандида назарда тутилган туман (шаҳар) ҳокимининг қарори нусхасини олган кундан бошлаб, уч кун муддат ичида ушбу турар жойни жойига бориб ўрганиши лозим.

12. Васийлик ва ҳомийлик органи сақлаб туриш учун топширилган турар жойни ўрганиш натижаси бўйича далолатнома тузади.

Далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқининг таъминланаётганлиги;

турар жойнинг ҳолати белгиланган талабларга мувофиқлиги;

турар жойни сақлаш бўйича белгиланган талабларни бузилганлиги ҳолати ва уларни бартараф қилиш муддатлари;

ижара шартномасига риоя этилиши ахволи ва қонуний вакилларга ту-

рар жой ҳолатини яхшилашга қаратилган чоралар кўриши лозим эканлиги ҳақидаги тавсиялар.

Далолатнома васийлик ва ҳомийлик органи вакили, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг бошқа қонуний вакиллари ҳамда турар жой жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан имзоланиб, тегишли туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланади.

13. Далолатнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси турар жой сақлаб туриш топширилган васийлик ва ҳомийлик органида, иккинчи нусхаси етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакилларида сақланади. Агар, турар жой ижарага берилган бўлса, ижарага олувчига далолатномадан нусха берилади.

14. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сақлаб турилган турар жойи бошқа туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган бўлса, ушбу ҳудуднинг васийлик ва ҳомийлик органи турар жойнинг сақланиши аҳволи ҳақида ҳар ярим йил якуни бўйича мазкур Қоидаларнинг иловасида белгиланган шаклга мувофиқ ҳисоботни ва турар жойни сақланиш аҳволи юзасидан ҳар бир ўтказилган ўрганиш далолатномасини етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи ҳудудидаги васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этади.

15. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаш жойидаги ҳудуднинг васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг қонуний вакилларида йил тугаши билан келгуси йилнинг бошида (10 январгача) болалар турар жойларини сақланиб туриши тўғрисида мазкур Қоидаларнинг иловасидаги шаклга мувофиқ ёзма ҳисобот олади.

Ҳисоботга турар жойни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ айрим мажбуриятлар бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар (солиқлар, мажбурий бадаллар ва мажбурий тўловлар, суғурта ва бошқа тўловлар қоғозлари) илова қилинади.

16. Ҳисобот етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаш жойидаги туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланади.

17. Васийлик ва ҳомийлик органларида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг сақлаб туриш учун топширилган турар жойлари ҳақидаги ҳисобот ва далолатномаларни қайд этиш бўйича алоҳида журнал юритилади.

18. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойининг сақланиб қолиши бўйича тасдиқланган ҳисоботлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг улар яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органларида юритиладиган шахсий йиғма жилдида сақланади.

III. Якуний қоидалар

19. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан

маҳрум бўлган болалар турар жойларининг ноқонуний сотилганлиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топиш чораларини кўради.

20. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойининг сақланиб қолишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан келишилган.

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат
кадастри давлат қўмитаси раиси*

С. АРАБОВ

2010 йил 31 декабрь

Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан
етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум
бўлган болалар турар жойларининг сақланиб
қолишини назорат қилиш қоидаларига
ИЛОВА

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларнинг сақлаб туриш учун топширилган турар
жойларининг сақланиши аҳволи тўғрисида васийлик ва
ҳомийлик органлари (қонуний вакиллар)нинг
ҲИСОБОТИ**

ТАСДИҚЛАЙМАН

_____ (Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбари Ф.И.Ш. ва имзоси)

М.Ў.

«_____» _____ 201__ й.
(ҳисобот тузилган сана)

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларнинг сақлаб туриш учун топширилган турар
жойларининг сақланиши аҳволи тўғрисида васийлик ва
ҳомийлик органлари (қонуний вакиллар)нинг _____
даври якуни бўйича
ҲИСОБОТИ**

1. Ҳисобот тақдим этилди

_____ (почта индекси, манзили)

манзили бўйича истиқомат қилувчи _____

(Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун сақланган турар жой жойлашган худуддаги васийлик ва ҳомийлик органлари (қонуний вакиллар) вакилларининг Ф.И.Ш.)

Паспорт рақами ва серияси: № _____, _____

Ким томонидан ва қачон берилган: _____

Туғилган санаси _____, туғилган жойи _____

Тел: _____

Иш жойи ва лавозими _____

2. Ҳисобот етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар _____

(почта индекси, манзили)

(етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг Ф.И.Ш.)

учун сақланиб қолган турар жой ҳолати ва сақланиши тўғрисида тузилган.

3. Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойга жойлаштириш вақти ва шакли _____

4. Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун сақланиб қолган кўчмас мулк, жумладан турар жой тўғрисида маълумотлар

Т/р	Кўчмас мулкнинг тури ва номланиши	Асосий харидлар*	Манзили	Майдони (кв. м)	Кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар
1.	Ер участкаси**				
2.	Турар жой биноси				
3.	Хонадон				
4.	Бошқалар				

* Асосий харидлар (сотиб олиш, ҳадя, алмашиш, мерос ва бошқалар), шунингдек тегишли шартнома ёки далолатнома реквизитлари (санаси, тартиб рақами) кўрсатилиши керак.

** Ер участкасининг тури кўрсатилиши керак.

5. Кўчмас мулкнинг, шу жумладан турар жойнинг сақланиши ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Кўчмас мулкнинг тури	Кўчмас мулк таркибининг ўзгариши*	Изоҳ**
1.	Ер участкаси		
2.	Турар жой биноси		
3.	Хонадон		
4.	Бошқалар		

* Кўчмас мулк таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

** Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тегишли турар жойни ўрганиш натижаси бўйича тузилган далолатномаларнинг реквизитлари (санаси, тартиб рақами) кўрсатилиши керак.

6. Етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тегишли кўчмас мулкдан, жумладан турар жойдан тушаётган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Кўчмас мулкнинг номланиши	Манзили	Даромад қиймати (сўм)	Асос*	Банк реквизитлари, шахсий ҳисоб рақами**
1.	Ер участкаси				
2.	Турар жой биноси				
3.	Хонадон				
4.	Бошқалар				
5.	Ҳисобот даври учун жами даромад				

* Етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тегишли мулкни қонунчиликка мувофиқ сотишга рухсат берувчи васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилган далолатномаларнинг реквизитлари (санаси, тартиб рақами) ва мулкни уларнинг тасарруфидан чиқарилиши ҳақидаги шартнома реквизитлари кўрсатилиши керак.

** Етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тегишли мулкдан олинаётган маблағларни қабул қилаётган банкнинг реквизитлари, болаларнинг шахсий ҳисоб рақами кўрсатилиши керак.

7. Етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тегишли турар жой ҳисобидан бажарилган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар

Т/р	Харажат турлари	Қиймати (сўм)	Сана*
1.	Мажбурий бадаллар ва мажбурий тўловлар — ҳисобот даври учун жами		
2.	Турар жойни таъмирлаш: 1) 2) Ҳисобот даври учун жами		
3.	Бошқа харажатлар 1) 2) Ҳисобот даври учун жами		
4.	Ҳисобот даври учун жами харажатлар		

* Етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий ҳисоб рақамидан пул маблағлари олинган сана ва ушбу маблағлар ҳисобига бажарилган харажатлар санаси кўрсатилиши керак.

8. Ушбу ҳисоботнинг 4 — 7-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар нусхаси ҳисоботга илова қилиниши лозим.

(ҳисобот тузган шахснинг Ф.И.Ш.)

(ҳисобот тузган шахснинг имзоси)